


“ТАСДИҚЛАЙМАН”

“Ўзмиллийбанк” АЖ

**Сурхондарё вилоят Бош
бошкармаси бошлиги**



Б.Э.Мамараджабов

2026-йил 4 феврал

**“Ўзмиллийбанк” АЖ Сурхондарё вилоят Бош бошкармаси Термиз
Амалиёт БХМ да ўтказилган йиғилиш
БАЁНИ**

2026-йил 3 феврал

Термиз ш.

Раислик қилувчи: -

Б.Ахмедов – “Ўзмиллийбанк” АЖ Худудий
дирекцияси Сурхондарё вилоят бўйича худудий
директори

**Йиғилишга
таклиф
этилганлар**

Сурхондарё вилояти ИИБ АТСЖҚКБ ХПГ МТБ
инспектори О.Е.Умаров ва катта инспектори
лейтенант Б.И.Абдуалимов ва катта
инспектори С.Мажитовлар.

**Иштирок
этганлар:**

(Бош бошкарма ва Термиз Амалиёт БХМ
ходимлари, Кумкўргон, Денов БХМ ҳамда
Шеробод, Жарқургон, Сангардак, Айритом БХО
ходимлари 300М оркали)

КУН ТАРТИБИДА:

**Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларга қарши курашиш
йўналишида Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида**

Йиғилишни – “Ўзмиллийбанк” АЖ Худудий дирекцияси Сурхондарё
вилоят бўйича худудий директори Б.Ахмедов очиб бериб, Ахборот
технологиялари соҳасидаги жиноятларга қарши курашиш йўналишида
йиғилишга таклиф этилганлар Сурхондарё вилояти ИИБ АТСЖҚКБ ХПГ МТБ
инспектори О.Е.Умаров ва катта инспектори лейтенант Б.И.Абдуалимов ва
катта инспектори С.Мажитовларни таништирди.

Йиғилиш давомида таклиф этилганлар, Ҳозирги кунда оммалашиб
кетаётган ижтимоий олам инсонлар учун бир неча қулайликларни
яратилганлиги, Инсонлар ўзларига тегишли бўлган смартфонлар ёки
компютерлар оркали алоқа, коммунал тўловлар, киберспорт ҳамда бошқа
маиший ва ижтимоий ҳаракатларни амалга ошираётганликлари хақида

тушунтиришлар беришди. Шу ернинг ўзида, кибермакон инсонлар учун замонавий хавфларни ҳам туғдираётгани, булар кибермаконда содир этилаётган турли хил жиноятлар ҳисобланишини, буларнинг ичида фирибгарлик жиноятлари инсонлар учун катта хавф эканлигини ўктиришди.



Кибержиноятларнинг умумий статистикаси кундан-кунга ўсиб бормоқда, бунга сабаб инсонлар интернетдан ёки умумий ижтимоий тармоқлардан фойдаланишда шахсий хавфсизлик чораларга амал қилишмайди. Шунинг натижасида ахборот технологияларидан ҳамда ахборот тизимидан фойдаланиб содир этилган жиноятлар сони умумий жиноятлар сонидан 40% дан ортигини ташкил қилади. Бу дегани, кибермаконда содир этилаётган жиноятлар жамият учун ўта хавфли ҳисоблана бошлади. Чунки бу каби жиноятларни содир этиш ортиқча ҳаракат ва хавф туғдирмайди. Масофадан туриб инсонларга тегишли бўлган пул маблағларни ўз ҳисоб вароқлари ёки пластик карта рақамларига ташлаб олишади.

Бу жиноятларни содир этишда кўпчилик ҳолда просесс иштирокчилардан фақатгина гумон қилинувчиларга ҳамда жабрланувчиларига маълум бўлади. Бу каби жиноятларни гувоҳ ёки шохидлари йўқ. Шунинг учун, кибержиноятлар тез суратларда ўсиб кетмоқда. Бундай ўсиш фақатгина Ўзбекистонда 32% эмас, балки бутун дунёда ҳам шундай ўсишни кузатишимиз мумкин.

Мисол учун, Россия Федератив давлатида ҳам охириги 10 йилликда кибермаконда содир этилаётган жиноятлар умумий жиноятлар сонининг 60% ташкил қилишини ҳамда Европа давлатларида эса 70%-80% ташкил қилади. Бундай жиноятлар ушбу давлатларда анча ривожланган шу сабабли

кибержиноятларни турлари ҳам жуда кўп учрайди. Хозирда Ўзбекистонда бу каби жиноятларнинг сони кўпайиб кетганлиги туфайли Хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ушбу жиноятларга қарши курашиш мақсадида давлат раҳбари Ш.М.Мирзиёев томонидан 2022-йил 15-апрел куни **“Киберхавфсизлик тўғрисида”**ги қарор имзоланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ахборот технологиялари ёрдамида содир этиладиган жиноятларга қарши курашиш фаолиятини янада кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори (ПҚ-153-сон, 30.04.2025 й.) қабул қилинди.

Қарорга кўра, Ички ишлар вазирлиги Ўзбекистонда кибержиноятларга қарши курашиш йўналишида ваколатли орган этиб белгиланди.

Ўз кундалик фаолиятини ташкил этишда мижозларининг манфаати ва молиявий хавфсизлигини таъминлаш банклар, тўлов тизими операторлари ва тўлов ташкилотларининг устувор вазифаси сифатида кўрсатилди.

Шунингдек, кибержиноятни содир этишда ўз номидаги банк картаси, банк ҳисобрақами, СИМ картаси ҳамда электрон ҳамёнидан фойдаланишга йўл қўйган шахслар учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик белгиланади.

Банклар, тўлов тизими операторлари ҳамда тўлов ташкилотларининг ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик талабларига риоя этмаганлиги натижасида содир этилган кибержиноят оқибатида келиб чиққан моддий зарарни улар ҳисобидан ундириш тартиби жорий этилади.

Жиноят қонунчилиги билан ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар ҳамда пул маблағлари ва бошқа мол-мулкни жалб этишга доир ноқонуний фаолият учун белгиланган жазо чоралари кучайтирилади.

Жиноят содир этишда ахборот технологияларидан фойдаланиш жавобгарлик ҳамда жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида белгиланади.

Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларнинг олдини олишда қуйидаги миллий норматив ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Буларга қуйидагилар киради:

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси;

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси;

Ўзбекистон Республикасининг 2022-йил 15-апрелдаги “Киберхавфсизлик тўғрисида”ги **ЎРҚ-764-сон** Қонуни;

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги **ЎРҚ-371-сон** Қонуни;

ДЕВЕЛОПМЕНТ ОФ ПЕДАГОГИСАЛ ТЕЧНОЛОГИЕС ИН МОДЕРН ССИЕНСЕС Интернационал ссиентифис-онлине конференсе 67 Ўзбекистон Республикасининг 2019-йил 2-июлдаги “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги **ЎРҚ-547-сон** Қонуни;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 июлдаги “Ўзбекистон республикасида рақамли иқтисодиётни ва крипто-активлар

айланмаси соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги **ПҚ-3832-сон** Қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 30 ноябрдаги “Рақамли маҳсулотлар (хизматлар) истеъмолчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва рақамли технологиялар воситасида содир этиладиган ҳуқуқбузарликларга қарши курашишни кучайтириш чоралари тўғрисида”ги **ПҚ-381-сон** Қарори.

Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган бўлсада, соҳага оид жиноятларнинг салмоғи йил сайин ошиб бормокда.

Бунинг асосий сабаби биринчидан, амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда бўшлиқларнинг ҳамон мавжудлиги, таъсирчан профилактик механизмларнинг ишлаб чиқилмагани;

иккинчидан, тизимли, мақсадли ва мақсадли профилактик тадбирларни амалга оширишда ички ва ташқи ҳамкорлик ишлари амалга оширилмаслиги кабилар соҳага оид жиноятларнинг олдини олишга салбий таъсир кўрсатиб келмокда.

Қайд етилишича, “ахборот технологиялари соҳасидаги жиноят” компьютерлар ва маълумотларни қайта ишлаш тизимларидан фойдаланган ҳолда содир этиладиган жиноий қилмиш бўлиб, бунинг учун қонунчиликда жиноий жавобгарлик назарда тутилган.



Шу боис, фуқаролар ўртасида ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар тўғрисида маълумотлар тарқатиш ва тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш зарур.

ИИВга кўра, ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларнинг айрим турлари қуйидагича:

- вирусли дастурий таъминотни тарқатиш;
- фойдаланувчи махфий маълумотларини ўғирлаш;
- бошқаларнинг интеллектуал фаолият маҳсулотларини ўғирлаш;
- ижтимоий тармоқларда бошқалар akkaунтини бузиш;
- ёлғон маълумот тарқатиш, тухмат қилиш;
- миллатлараро низо ёки динлараро адоватни кўзғатиш;
- банк пластик карталари (карта реквизитлари) билан ноқонуний операциялар;
- қимматли қоғозлар бозоридаги Интернет-фирибгарлик;
- Интернетдаги молиявий пирамидалар;
- мобил алоқа билан боғлиқ жиноятлар;
- электрон тижорат соҳасидаги бошқа жиноятлар.

ИИВлиги Интернет фойдаланувчилари учун уларга нисбатан содир этилиши мумкин бўлган ноқонуний ҳуқуқбузарликлар олдини олиш бўйича баъзи тавсияларни берди.

Улар:

- Интернетга киришда зарарли фаолиятга қарши курашиш учун мўлжалланган махсус дастурий таъминотга эга қурилмалардан фойдаланинг, уларни ўз вақтида янгиллаб туринг;
- хавфсизликка жавоб берадиган янгиланишлар ўрнатилган, бошқа дастурий таъминот жорий версияларига эга бўлган операцион тизимдан фойдаланинг;
- сайтлардан фойдаланганда улар ташки кўринишига, веб-манзилига эътибор беринг, эҳтимол сиз унинг сохта нусхасига киргансиз;
- шахсий маълумотларни фақат хавфсиз протоколлардан фойдаланадиган веб-сайтларга киритинг (одатда, браузерда бундай сайт манзили ёнида яшил фонда блокировка белгиси кўрсатилади);
- турли хил сайтларда бир хил логин ва пароллардан фойдаланманг;
- жуда енгил ёки осонгина тахмин қилинадиган пароллардан фойдаланманг (туғилган сана, телефон рақамлари ва ҳоказо);
- имкон қадар фойдаланувчи номи ва паролни киритишдан ташқари, вақтинчалик код киритишни талаб этувчи, икки марталик аутентификациядан фойдаланинг, одатда СМС-хабар ёки “ПУШ” хабарномаси шаклида мобил телефонингизга юборилади;
- қутилмаган ёки тасодифий келган электрон почта хабарларидан эҳтиёт бўлинг, ҳатто жўнатувчини билсангиз ҳам, ҳеч

качон ичидаги кўшимчаларни очманг ёки бундай электрон почта манзилидаги ҳаволалардан фойдаланманг;

- ҳисоб маълумотларини талаб қиладиган электрон почта хабарларидан эҳтиёт бўлинг (молия муассасалари деярли ҳеч қачон электрон почта орқали молиявий маълумотни сўрамайдилар), ҳеч қачон ҳимояланмаган Интернет каналлари орқали молиявий маълумотларни юборманг;

- дўстларингиздан молиявий операцияларни амалга ошириш ёки молиявий маълумотлар узатишни рағбатлантирувчи хабарлар олганингизда, ушбу маълумотни бошқа алоқа каналлари (шахсий учрашув, телефон кўнғироғи, овозли хабар йўллаш имконига эга мессенжер) ёрдамида текширинг ёки ўта оғир ҳолатларда жавобларини учинчи шахслар билиши мумкин бўлмаган назорат саволларини бериш орқали суҳбатдошингиз шахсига аниқлик киритинг;

- Интернет орқали тўловларни амалга оширишда, иложи бўлса, “Виса” ва “МастерСард” халқаро тўлов тизимлари учун “3Д Сесуре” каби тўловларнинг кўшимча хавфсизлигини таъминлаш технологияларидан фойдаланинг;

- ўзини банк ходими деб таништирган ва банк картангиз маълумотларини беришингизни сўраган нотаниш одамлар билан ҳеч қачон телефонда гаплашманг;

- банк картангиз маълумотларини хавфсиз жойда сақланг, уларни ҳеч кимга айтманг, хабар берманг ёки СМС орқали юборманг;

- кайд этиш ёзувларингизнинг сақланиб қолиши учун дўстларингиз ва яқинларингиз доирасини чекланг. Шахсий маълумотларингизни ҳеч қачон янги онлайн дўстлар билан баҳам кўрманг. Туғилган сана, электрон почта манзиллари ёки пароль сифатида ишлатилиши мумкин бўлган уй ҳайвонлари исмлари ҳақидаги маълумотларни оммалаштиришдан сақланинг. Ушбу маълумотларнинг барчаси профессионал ҳакер учун жуда фойдали бўлиши мумкин;

- “Дикқат! Сизнинг akkaунтингиз бузиб ташланди. Akkaунтингизни тасдиқлаш учун кўнғироқ қилишингиз керак. Бизга хабар юборинг, биз сизни қайта чақирамиз” каби хабарлардан эҳтиёт бўлинг;

- “Слиск жаскинг” қурбонига айланманг. Бу шундай турдаги киберҳужумки, биринчи қарашда улар зарарсиз контентга ўхшаб кўринадиган гиперҳаволаларни ўзида сақлайди. Бироқ, гиперҳаволани босиш зарарли дастур учун йўл очади, бу сизнинг компютерингизга тажовуз қилиши ёки сизнинг шахсий маълумотларингизни четга узатиши мумкин;

- электрон почта манзилларида ва веб-сайтда, агар сиз улар билан иш олиб борадиган обрўли молиявий муассасалар номини ўз ичига олган бўлса ҳам, УРЛ манзилларини диққат билан кўриб чиқинг. Энг кенг

тарқалган хийла - бу қонуний веб-сайт номи ва сохта нарсалар комбинатсияси. Ушбу манзиллар кўпинча қонуний кўринишда ҳакерлик фаолияти билан боғлиқлигини яширадиган нусха кўчирадиган сайтларга олиб келади. Баъзида УРЛ қонуний бўлиши мумкин, аммо ҳаволани босганингизда у бошқа сайтга олиб боради.

Шу билан бирга мазкур жиноятни содир этувчи шахс ва ундан зарар кўрувчи (жабрланувчи)лар бошқа-бошқа давлатларда эканлиги ушбу жиноят билан самарали курашишга тўсиқ бўлаётганлиги ҳамда бу каби тўсиқларни енгиб ўтиш мақсадида давлатлараро ҳамкорлик жуда муҳим рол ўйнайди ва ўз самарасини беради. Бунга яққол мисол қилиб, Европа кенгаши томонидан 2001-йил 23-ноябрда "Компютер ахбороти соҳасида жиноятлар" (ЕТС) тўғрисида 185-сонли Будапешт конвенсияси қабул қилиниб, мазкур конвенсия доирасида Европа иттифоқида қирувчи ҳамда қирмайдаган лекин бундан манфаатдор бўлган давлатлар (АҚШ ва Япония) ўртасида ахборот хавфсизлиги борасида ҳамкорликни йўлга қўйишган.

1. Ахборот тизими ва хавфсизлигини бузиш;
2. Компютер технологиялари орқали фирибгарлик ва тамагирлик жиноятлари;
3. Порнографик (педофилия) билан боғлиқ материалларни тарғиб (тарқатиш) қилиш;
4. Муаллифлик ва қўшмуаллифлик ҳуқуқларини бузишга қаратилган ҳуқуқбузарлик.

Шунингдек, таъкидланган конвенсияга аъзо бўлган давлатларга, ваколатли қилиб белгиланган органга, ахборот тизими юзасидан маълумотларни тақдим қилиш;

ҳар бир аъзо давлат миллий қонунчилигида бу борада тегишли нормаларни киритиши, соҳа провайдерлари томонидан ахборотларни назорат қилиш ва бошқа турдаги қатор мажбуриятларни юклайди.

Шулар қаторида, мазкур конвенсия доирасида 2002-йилда 1-сонли баённома қабул қилиниб, унга кўра, миллий, иркий ва диний адоватни кўзғатишга қаратилган ҳуқуқбузарликлар, "кибер жиноятлар"нинг турлари билан кенгайтирилди. Шунингдек, мазкур конвенсияга айрим халқаро ташкилотлар жумладан, "Интернет Сосиетй" (халқаро интернет ҳамжамияти), "Елестронис Фронтиер Фоундатион" (АҚШ), Сйбер-Ригхтс & Сйбер-Либертиес (Буюк Британия) ва Криптополис (Испания) ўзининг қаршиликлари билдиришиб, унга кўра ушбу конвенсия, хусусий коммуникацияларни (ахборот тизимини) дахлсизлигини бузилишига хизмат қилиши ва бу чоралар самарасиз эканлигини эътироз билдиришганлар.

Миср эса ўзининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш учун "Фасебоок" ва "Тветтер" каби ижтимоий тармоқларини таъқиқлаш (қора рўйхатга киритиш) орқали ахборот хавфсизлиги доирасида чораларни кўллади.

Бундай вазиятда халқаро интернет тармоқлари 7 кун ичида судга мурожаат қилиши мумкин. Хозирда, жаҳонда, асосан тажрибали ҳаккерлардан (ҳаккер - бу компютер-ахборот мутахассиси ва уни тизимини четлаб ўтиш

махоратига эга шахс) ташкил топган "РЕвил" ва "ДаркСиде" номли "кибер жиноий" уюшган гуруҳлар мавжуд.

Мазкур жиноий гуруҳларнинг асосий йўналиши фирибгарлик ва тамагирлик йўллари оркали маблағларни кўлга киритишдир. Мазкур жиноий гуруҳларнинг фаолияти асосан Европа ва АҚШ ҳудудларида олиб борилиши аниқланган. МДХ давлатларида ҳозирги кунда буларнинг фаолияти кузатилмаган.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, технологиянинг ривожланиши ҳамда жамиятга фойда беришининг асосий кафолатларидан бири бу ахборот хавфсизлигидир.

Бу мавзу мамлакатимизда сўнгги йилларда ўйлантираётган саволлардан бири бўлиб қолмоқда.

Чунки мазкур хавф-хатар билан самарали курашишда биздан оқилона қарор қабул қилиш лозим бўлмоқда.

Бундай қарорни қабул қилиш табиийки осон эмас, чунки бир тарафдан технология - бу замон талаби бўлса, иккинчи томондан эса ахборот хавфсизлиги унинг ажралмас қисми ҳисобланади.



Хулоса ўрнида, ахборот технология соҳаси том маънода, бу маълум бир жамиятни тезда ривожланишига катта туртки бўлиб хизмат қилиши ёхуд жамиятнинг кушандасига ҳам айланиши мумкинлиги тўғрисида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Баённомани расмийлаштирувчи:

Х.Расулов